СТАТИСТИКА МАТЕРИАЛЛАРИ КУТУБХОНАСИ

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2006 ЙИЛ, 10 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 68 (10.625)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамда ЕвропЭйд дастурининг «Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш» лойиҳаси ҳамкорлигида «Малакали тиббий фаолият кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари ва уларни такомиллаштириш муаммолари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуннинг Навоий вилоятидаги ижроси бўйича ўтказилган йиғилишда қуйи палата депутатлари, тегишли ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

● Маълумки, 1993 йилнинг 9 апрелида Қорақалпоғистон Республикасининг Герби ва Конституцияси қабул қилинган эди. Қорақалпоғистон Конституцияси байрамига бағишланган тантанали йиғилиш Бердақ номидаги мусиқали драма театрида ўтказилиб, унда вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

● Бир йилдирки, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистонда Осиё тараққиёт банкининг шўрланган, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолган ерларни қайта тиклаш ва унумдорлигини оширишга бағишланган лойиҳаси татбиқ этилмоқда. Тошкентда Осиё тараққиёт банки, халқаро ташкилотлар вакиллари, мамлакатимиз ва қозоғистонлик олимлар, мутахассислар ҳамда фермерлар иштирокида ушбу лойиҳа доирасида бажарилаётган ишлар натижаларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

●Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш куни муносабати билан Тошкентда брифинг ташкил этилди. Унда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Саломатлик институти, унинг вилоят филиали ходимлари қатнашди.

● Тошкентда Давлат ёнғин назоратининг энг яхши хизматчиси республика кўрик-танлови ўтказилди.

● Гулистон шаҳрининг Фарҳод ва Муқимий маҳаллаларида янги коллекторлар ишга туширилди. Аҳоли ва ҳомийларнинг маблағи эвазига сизот сувларини оқизиб юбориш станцияси тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Дренажлар қурилиши ва реконструкция ишлари учун 460 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

● Тошкентдаги Фото уйида моҳир фотосанъаткор Абдуғани Жуманинг «Қалбим меҳваридан ўтаётган дунё» номли шахсий кўргазмаси очилди.

● Навоий Давлат педагогика институтида «Амир Темур ва унинг дунё тарихида тутган ўрни: тарих ва ҳозирги замон» мавзуида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Ироқнинг Бош вазири Иброҳим Жаъфарий АҚШ ва Буюк Британия уни истеъфога чиқишга мажбур қила олмаслигини таъкидлади. Британиянинг «Гардиан» газетасига берган интервьюсида Жаъфарий Бош вазирликка демократик йўл билан эришганлигини айтиб, Ироқ халқи фикрини ҳурмат қилиш лозимлигини қайд этди.

● Россия космик станцияси япониялик тадбиркор Дайсуке Эномото билан шартнома имзолади. Эндиликда Эномото 2006 йилнинг куз фаслида халқаро космик станция экипажи аъзолари билан фазога чиқиш имконига эга бўлди.

● Колумбиянинг Монтирие шаҳридаги полициячилар 2 тонна кокаин гиёвандлик моддаси ва 60 миллион долларни цемент қопларига яширинган ҳолда топишди. Жиноятчилар пул ва гиёванд моддаларни юк машинасида портлардан бирига олиб бориб, сўнг мамлакат ташқарисига чиқаришни режалаштиргандилар. Операция давомида бир неча киши ҳибсга олинди.

● Бутунжаҳон банки раҳбари Пол Вулфовиц 2003 йил 19 августда Бағдодда юз берган портлашлардан сўнг ёпиб қўйилган банк ваколатхонасини Бағдодда яна очишга қарор қилинганлигини билдирди.

● Истамбулнинг тарихий ҳудудларидан бирида портлаш содир этилди. Бекат яқинидаги ахлат қутисига жойлаштирилган портловчи мосламанинг ишга туширилиши натижасида 7 киши жиддий жароҳат олди.

● Хитойда йирик автомобиль ҳалокати рўй берди. Серқатнов трассада қуюқ туман сабабли 130 та машинанинг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида тўрт киши ҳаётдан кўз юмди, 10 нафар йўловчи турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Йирик автоҳалокат оқибатида ушбу трассада 7 соатгача йўл ҳаракати тўхтаб қолди.

О Б - Ҳ А В О МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 11 апрель куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади. Гарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-12, кундузи 16-18 даража иссиқ бўлади.

БУЮК СОҲИБҚИРОНГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ АМИР ТЕМУР ХИЁБОНИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ, ХАЛҚАРО АМИР ТЕМУР ЖАМҒАРМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ҲАМДА ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ ТАШАББУСИ БИЛАН БУЮК СОҲИБҚИРОН ТАВАЛЛУДИНИНГ 670 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.



Соҳибқирон ҳайкали атрофига давлат ва жамоат арбоблари, зиёлилар, адабиётшунос олимлар,шоир ва ёзувчилар, жамоатчилик вакиллари ҳамда талаба-ёшлар тўпландилар. Тадбирни Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али кириш сўзи билан очар экан, Мустақиллик шарофати билан бугунги кунда Соҳибқирон бобомиз билан бехад ғурурланишимиз, фахру ифтихоримизни жаҳонга билдириб, бошимизни баланд кўтариб юришимиз, Ватанимиз узра Амир Темур руҳи кезиб юрганини ҳар лаҳза ҳис этишимизни алоҳида таъкидлади. Шундан сўнг маросимда сўз олган Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов йиғилганларни байрам билан қутлаб, Соҳибқирон бобомиз ҳақида ғурур ва ифтихор билан шундай деди: «Бугун Амир Темур таваллудининг 670 йиллик тантаналари қадимий Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги билан уйғунлаштирилган ҳолда нишонланмоқда. Биз ҳар йили мана шу куни буюк бобомиз ҳазрат Соҳибқирон ҳайкали пойида, у кишига туганмас меҳру садоқатимизни изҳор қилиб йиғиламиз. Биз миллатимиз, Ватанимиз, Мустақиллигимиз ҳақида қайта-қайта фикрлар эканмиз, хаёлимиздан кўпдан кўп буюк неъматлар ўтади. Буларнинг энг биринчиси ҳеч шубҳасиз озодлик, ҳуррият, мустақилликнинг ўзидир. Ва албатта, мустақиллигимиз бизга нималарни қайтариб берди, деган ҳақли савол туғилади. Биринчи навбатда бизнинг ифтихоримиз, миллатимиз қўйши Амир Темур ҳазратларининг миллатимизга қайтадан келганлиги хаёлимизга келади. Бу ҳеч шубҳасиз мустақилликнинг ва мустақиллигимиз меъмори Юртбошимизнинг буюк жасорати неъматидир».

Тадбирда, шунингдек, Темурийлар тарихи Давлат музейининг директори Нозим Ҳабибуллаев сўзга чиқиб, бугунги кунда буюк Соҳибқирон таваллудининг 670 йиллиги нафақат республикамизда, ҳатто Европа мамлакатларида, айниқса Франция, Испанияда ҳам кенг нишонланаётганлигини, унга бағишлаб катта экспозициялар намойиш этилаётганлигини, шунингдек, Президентимиз ташаббуслари билан бунёд этилган Темурийлар тарихи Давлат музейининг 10 йиллиги ҳам бу йилги тантаналарга уйғунлашиб кетганлигини фахр билан таъкидлади.



Тадбирга йиғилган давлат ва жамоатчилик вакиллари чуқур эҳтиром билан улуғ Соҳибқирон Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Шу куни байрам тантаналари Темурийлар тарихи Давлат музейида давом этди. Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий анжуманда сўзга чиққанлар буюк саркарданинг тарихимиздаги улкан роли, давлат қурилиши ва ҳарбий саркардалик санъати хусусида ҳам фахрифтихор билан гапирдилар. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мудофаа, Халқ таълими ва Маданият ва спорт ишлари вазирликлари томонидан ўтказилган «Амир Темур ва темурийлар тарихи даври билимдони» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ғолибларга ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари ва Фахрий ёрлиқлар топширилди. Байрам тадбирига йиғилганлар Соҳибқирон таваллудига бағишланган «Ўн йилга ўн кўргазма» номли экспозицияни ҳам мароқ билан томоша қилдилар.

Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев иштирок этди.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: Соҳибқирон таваллудининг 670 йиллигига бағишланган маросимдан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

МАҲСУЛОТЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ СОДДАЛАШТИРИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2005 йил 13 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2006 йил 24 февралда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «**Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида**»ги 1006-XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, №2, 50-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модда иккинчи қисмининг:**

бешинчи хатбошиси «ва уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига киритади» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

еттинчи хатбошисидаги «шунингдек озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда бундай маҳсулотни тайёрлашда ишлатиладиган асбобускуналарни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **10-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат бошқарувининг тегишли органи бундай талабномаларни кечиктирмай ишлаб чиқиши ва амалга киритиши шарт» деган сўзлар «Ўзстандарт» агентлиги давлат бошқарувининг тегишли органлари билан биргаликда бундай талабномаларнинг кечиктирмай ишлаб чиқилиши ва амалга киритилишини таъминлайди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «**Уруғчилик тўғрисида**»ги 267-1-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил № 9, 130-модда; 1997 йил, №4-5, 126-модда; 1999 йил, № 5. 124-модда) **1-моддасининг учинчи хатбошисидаги** «сертификатланган (репродукцион) уруғликлар» деган сўзлар «репродукцион уруғликлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган «**Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида**»ги 483- 1-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 239-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда) **6-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан давлат «санитария назорати органлари берадиган гигиена сертификати асосида» деган сўзлар «гигиена сертификати берилаётганда давлат санитария назорати органлари томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «**Темир йўл транспорти тўғрисида**»ги 766-1-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 118-модда) **21-моддаси:**

иккинчи қисмидаги «ҳамда қонун ҳужжатларига биноан мазкур талабларга мувофиқликка доир мажбурий сертификатлаштиришдан ўтказилиши зарур» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Темир йўл транспорти фаолиятида фойдаланиладиган, техника воситалари ва механизмларни, шунингдек кўрсатиладиган хизматларни сертификатлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади»;

учинчи — тўққизинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи - ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «**Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида**»ги 818-1-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 215-модда) **12-моддаси** «талабларига мос бўлиши ҳамда» деган сўзлардан кейин «қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «**Телекоммуникацияларда тўғрисида**»ги 822-1-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 219-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда) 10-моддасидаги «барча» деган сўз чиқариб ташлансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «**Туризм тўғрисида**»ги 830-1-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, №9, 227-модда) **10-моддасининг учинчи қисми** чиқариб ташлансин.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 6 апрель.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

КУНИ КЕЧА ПОЙТАХТДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ РАИСЛИГИДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНИНГ КУН ТАРТИБИДАН ШУ ЙИЛНИНГ МАЙ-ИЮНЬ ОЙЛАРИДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИГА ОИД МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ ЎРИН ОЛДИ. СЕССИЯ ИШИДА БИР ҚАТОР ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ҲАМ ИШТИРОК ЭТДИ.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунларга мувофиқ шаҳар, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда ўзини ўзи бошқариш органи сифатида фуқаролар йиғинлари фаолият юритади ва улар ҳар икки ярим йил ичида раис ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда тўққиз мингга яқин ўзини ўзи бошқариш органлари мавжуд бўлса, уларга халқ орасида оқсоқол номини олган шунча раислар раҳбарлик қилади. Бундан ташқари, маҳаллалар таркибида 8 мингга яқин маслаҳатчилар ҳам иш юритади.

Тошкент шаҳрида 474 та маҳалла фаолият кўрсатмоқда. Фуқаролар йиғинларининг амалдаги раислари ва уларнинг маслаҳатчиларининг ваколатлари шу йилнинг майиюнь ойларида тугайди. Айрим маҳаллаларда сайловлар оралиғида раислар ўзгарганидан қатъи назар, қонунчиликка асосан, янги оқсоқолларнинг ваколати ҳам шу муддатгача белгилангандир.

Юқорида қайд этилган қонунлар талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши 2006 йил 4 апрелда «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида» қарор қабул қилди.

Мамлакат парламентининг юқори палата Кенгаши қарорида бўлажак сайловларнинг қонунчиликка мувофиқ равишда ўтказилишини таъминлаш борасида асосий вазифа маҳаллий Кенгашларга юклатилган, шу мақсадда жойларда сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ташкил этилиши ҳам белгиланган. Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида депутатлар зиммасига юклатилаётган масъулиятли вазифалар ҳар томонлама кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Учтепа туманидаги «Хожиобод» маҳалласида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида қизлар иштирокида миллий таомлар кўрик-танлови уюштирилди.

● **БЕКТЕМИР** туманидаги «Астробод» маҳалла гузарида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ҳамкорликларида ўтказилган кўрик-танлов «Энг намунали маслаҳатчи» деб номланди.

● **БУГУН** Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Собир Раҳимов ҳамда Шайхонтоҳур туман ҳокимликлари ҳамкорликларида ёшлар иштирокида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир «Абдулла Қодирий — маънавиятимиз кўзгуси» деб номланди.

● **БУГУН** Ҳамза маиший хизмат касб-ҳунар коллежида ўқитувчилар, ўқувчилар иштирокида «Миллий ғоя — бизнинг ғоя» мавзуида ўтказилган давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими томонидан уюштирилди.

● **КЕЧА** Юнусобод туманидаги Аҳмад Дониш маҳалласида Наврўзи олам муносабати билан уюштирилган тадбирда маҳаллада яшовчи кам таъминланган оилалар вакиллари, кексалар, ёшлар иштирок этишди.

● **КЕЧА** Уста Ширин маҳалласида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида ўтказилган тадбир «Ассалом, Наврўзи олам!» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** Ахборот технологиялари университетида ўқитувчилар, талабалар иштирокида «Фан ва таълимда ахборот коммуникация технологиялари» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Бектемир туман марказлашган кутубхоналар тизимининг марказий кутубхонасида «Нурли истиқболга элтувчи ғоя» мавзуида китобхонлар иштирокида ўтказилган адабий кеча «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

● **ФУҚАРОЛИК** жамиятини ўрганиш институтида Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбати «Маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоллари) ва маслаҳатчилари сайловларининг ҳуқуқий асослари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонунчилик «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, илгариги сайловлар айнан шу қонун доирасида ўтказиб келингани яхши маълум. Бу йилги фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари биринчи маротаба 2004 йилда қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунга асосан бўлиб ўтади. Мазкур қонун ҳужжати бешта банд ва 31 та моддадан иборат бўлиб, унинг мақсади шаҳар ва шаҳарчадаги, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), шунингдек унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган.

Ушбу Қонуннинг 9-моддасига биноан сессияда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи шаҳар ва туман комиссиялари тузилиб, уларнинг таркиблари тасдиқланди. Комиссиялар аъзолигига, Қонунда кўрсатиб ўтилганидек, фуқаролар йиғини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва хотин-қизлар қўмиталари вакиллари киритилди.

Мазкур комиссияларга Қонун ижросини таъминлаш юклатилди. Хусусан, шу йилнинг 15 апрелига қадар комиссиялар томонидан ҳар бир маҳаллада фуқаролар йиғини кенгаши йиғилишлари ўтказилиши, улар доирасида 5-7 киши, шу жумладан маҳалла ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилот раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилиши лозим бўлади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, амалдаги раислар ва маслаҳатчилар, шунингдек номзоди кўрсатилган кишиларнинг мазкур гуруҳ таркибига киритилиши мумкин эмас.

Сайловларга тайёргарлик кўриш пайтида шаҳар ва туман комиссиялари аҳоли ўртасида сайловлар моҳияти ва аҳамияти юзасидан кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб боради, бу борадаги фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади, ишчи гуруҳлардан раислик вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатларни қабул қилади ва бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

Сессияда маҳалла оқсоқоллигига номзодларни танлаш масаласида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Фуқаролик жамияти шаклланишида, шубҳасиз, жамоат ташкилотларининг аҳамияти каттадир. Бугунги кунда мамлакатимизда турли йўналиш бўйича юзлаб шундай тузилмалар фаолият юритмоқда. Ва албатта айтиб ўтиш керакки, мамлакатимизнинг «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили амалда намоён этилишида дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган миллий қадриятимиз бўлмиш маҳалланинг ўрни беқиёсдир. Зеро Президентимиз таъбири билан таъкидлаб ўтадиган бўлсак, маҳалла ноёб бошқарув институти ҳисобланади.

Айни пайтда маҳаллага кўплаб маҳаллий бошқарув органларининг ваколатлари топширилган, шу боис маҳалла жойларда ўзига хос кичик ҳокимият вазифасини ўташи лозим дейишга ҳақлимиз. Аммо, афсуски, уларни бошқараётган кишилар бу масъулиятни тўлақонли сезаяпти, дея олмаймиз. Сир эмас, амалдаги оқсоқолларнинг кўпчилиги айниқса коммунал масалаларни ҳал қилиш борасида кузатувчи бўлиб қолаётир. Турар жой мавзеларидаги уйларни неча йиллардан буён капитал ва жорий таъмирлаш, атроф ҳудудни тартибга келтириш ишлари ҳокимликлар томонидан ҳомийлар маблағларини жалб этган ҳолда амалга ошириб келинмоқда. Бу борада уй-жой мулкдорлари ва маҳалла фаолларининг иштироки эса ҳануз сезилмаётир.

Маҳалла биринчи навбатда унинг раҳбари бошчилигида барча ишларга етакчилик қилиб, намуна кўрсатиши ва шу тариқа ўзини ўзи бошқариш органи мақомига лойиқ бўлмоғи лозимдир. Аммо, юқорида айтиб ўтилганидек, баъзи оқсоқоллар ҳамон бокимандалик кайфиятидан халос бўла олмай, четдан ёрдам келади деган умид билан яшамоқда.

Шундай экан, ҳақиқий оқсоқол қандай бўлмоғи керак? Сессияда сайловларнинг аҳамияти ва моҳиятини тушунтириш жараёнларида бу савол марказий ўрин эгаллаши лозим дея таъкидланди. Маҳалла аҳли мазкур вазифага ташкилотчилик қобилиятига, сиёсий ва иқтисодий билимларга эга, мамлакатимизда ва дунёда рўй бераётган ўзгаришлардан хабардор ва уларни шарҳлашга қодир инсонни танлашлари керак, албатта. Бу йилги сайловлар ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан катта аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар жараёнларини ўзида ифода этиши ва ошкоралик тариқасида ўтказилиши лозимдир.

Сессияда шаҳар Кенгаши депутатларига ўз сайлов округларида сайловолди тадбирларини ташкил этишда фаоллик ва жонбозлик кўрсатишлари лозимлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишнинг бориши ва уни ўтказиш юзасидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилиши хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Сессияда сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир алоҳида чора-тадбирлар режаси ҳам тасдиқланди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ушбу сиёсий аҳамиятга эга тадбирнинг якунлари Олий Мажлис Сенатининг Кенгашида ҳамда маҳаллий Кенгашларнинг сессияларида кўриб чиқилади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида шунингдек айрим ташкилий масалалар кўриб чиқилди ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг бир қатор қарорлари депутатлар томонидан тасдиқланди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг

ҚАРОРИ

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ (ОҚСОҚОЛЛАРИ) ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддаси ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасида белгиланган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларининг ваколат муддати 2006 йил май-июнь ойларида тугаши муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2006 йил 4 апрелдаги 163-1-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2006 йил 4 апрелдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи шаҳар ва туманлар кўмаклашувчи комиссиялари (бундан буён матнда шаҳар ва туманлар комиссияси деб юритилади) таркиби, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашиш бўйича тадбирлар режаси тасдиқлансин.

3. Шаҳар ва туманлар комиссиялари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича фуқаролар йиғини кенгашининг қарорини қабул қилиш, тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, ишчи гуруҳларини тузишга кўмаклашсинлар ва тузилган ишчи гуруҳларининг фаолиятини мувофиқлаштириб борсинлар.

4. Шаҳар ва туман ҳокимликлари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасида фуқаролар йиғинларига кўмаклашсинлар, зарур ҳолларда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминласинлар.

5. Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари ўз сайлов округларида барча маҳаллаларда сайловолди тадбирларини ташкил этишда фаол қатнашсинлар.

6. Оммавий ахборот воситаларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишнинг бориши ва ўтказилишини кенг ёритиб бериш тавсия этилсин.

7. Шаҳар ва туман комиссиялари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг якунлари бўйича навбатдаги сессияда ахборот берсин.

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгаши раиси
А. ТЎХТАЕВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 8 апрель.

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари маълумотлари асосида тайёрланди

● Сувни қуёш энергияси ёрдамида шўрсизлантиришнинг янги услуби оддий технологияларга қараганда таннархни пасайтириш ва олинаётган истеъмол суви сифатини ошириш имконини беради. Димондаги Ядер тадқиқотлари маркази олими Дани Саги сувни шўрсизлантириш ва қуёш энергиясини олиш билан шуғулланадиган қатор фирмалар мутахассислари ёрдамида шунга эришди. Тадқиқот маълумотлари саноат ва савдо вазирлиги бош илмий мутахассиси Амнон Эйнав буюртмаси бўйича бажарилди. Янги технология «Солель» компанияси томонидан ишлаб чиқилган, бу ерда «Луз» компаниясининг собиқ ишчилари ишламоқда. Бу компания яқинда тугатилди, лекин у 80-йилларда яратган қурилмалар ҳали ҳам АҚШнинг Жанубий Калифорния штатида қуёш энергиясини олиш учун ишлатилади. «Солель» компанияси қурилмалари қуёш энергияси ёрдамида буғ олиш учун қўлланилади. Ўз навбатида буғ электр олиш, совутиш қурилмалари ва ҳоказолар учун керакдир.

● «Нью-Игланд джорнел оф медисин» журнали яқинда инсон танасининг оғирлиги билан узоқ умр кўришлик борасидаги боғлиқлик тўғрисидаги муфассал маълумотни босиб чиқарди. Умуман олганда бу маълумотлар аввалари маълум бўлган нарсани қайтарган бўлса-да, уларни янги факт ва кузатувлар билан тўлдирди. Унга кўра озғин одамлар семизларга қараганда узоқ умр кўрадилар. Семиз одамлар қандай ёшда бўлишларидан қатъи назар барибир қисқа умр кўрадилар. Ушбу янги хулосага кўра 60 га қадам қўйганлар 20 ёшларидаги оғирликда бўлганлари маъқул. Бўйи 160 сантиметр бўлган аёлларнинг оғирлиги 60 килограммдан ошмаслиги лозим.

● Польшада идиш-товоқлар музейи бор. Европада ягона ҳисобланган бу музей кўргазмаларидаги буюмларнинг асосий қисмини 200 йилдан бери ишлаб келаётган «Силазия» идиш-товоқлар корхонасининг маҳсулотлари ташкил этади. Шуни айтиш керакки, ҳозирги вақтда шу корхонада чиқарилаётган кастрюль, това ва чойнаклар дунёнинг 40 дан зиёд мамлакатига экспорт қилинади.

● Жаҳондаги турли шаҳарлар каби Пекинда ҳам кўчани фақат белгиланган жойдан кесиб ўтиш мумкин. Лекин Хитой пойтахтида қариялар кўчани кесиб ўтиш учун алоҳида имтиёзга эга. 70 ёшдан катта бўлган кишилар кўчани ўзлари хоҳлаган жойидан кесиб ўтишлари мумкин, бу вақтда ҳайдовчилар машиналарини тўхтатиб туришлари шарт.

● Банк деганда одатда кўз олдимизда ҳашаматли бинода пул билан ишлайдиган муассаса келади. Банк сўзининг аслида «стол» деган маънони англатишидан эса кўпчилик бехабар. Дарвоқе, бу сўз тарихи бизни ўрта асрларга етаклайди. Дастлабки банклар XIV асрда Италиянинг Венеция шаҳрида пайдо бўлгани хусусида тарихий маълумотлар бор. Гап шундаки, ўрта асрларда иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тараққий давлатларнинг деярли ҳар бири ўзига хос пул тизимига эга эди. Пул тизимининг асосини эса танга ташкил қилиб, ҳар бир ҳукмрон ўз тангасини зарб этишга ҳақли бўлган. Баъзан қалбаки тангалар муомалага чиқарилган. Бу вазият савдогарларни саросимага солиб қўйган. Натижада бир давлат пулини иккинчи давлат пулига алмаштирадиган муассасани тузиш зарурияти туғилди. Тангани алмаштириш қадимги Венециядаги ҳашаматли саройларнинг тош столларида олиб борилган. Шу тариқа пул сотиб олувчи ва сотувчи муассасаларни «Банко» номи билан атай бошлашган.

● Нон дарахти деб аталувчи ўсимликнинг бўйи 18-20 метр, барглари эса йирик-йирик шаклда бўлади. Мевасининг оғирлиги 15-20 килограмм келади. Бир туп нон дарахти бир неча юз килограмм «нон» ҳосил бериши мумкин. Мевасининг пўсти ғудда-ғудда, мағзи сариғ лимонранг, пишгач, мағзи хамирдек юмшаб қолади. Унинг мевасининг учи ўткир ёғоч билан бир неча жойидан тешиб, тун бўйи ташқарига қўйилади. Эрталабгача хамирга ўхшаб ошиб қолади. «Хамир»га сув ва норжил ёғи қўшиб ёғоч тоғорада қорилади. Зувалалари банан баргига ўраб тандирда ёпилади. Ундан тайёрланган нонининг таъми буғдой нон таъмига ўхшаб кетади. Нон дарахти Ҳиндистон иқлимига мослашган бўлиб, кўпроқ ўлканинг жанубида ўстирилади.

● Ҳиндистонда Самбор деб аталадиган кўл бор. Унинг суви йилнинг етти ойида шўр, беш ойида эса чучук бўлиб тураркан. Шунингдек, сув таркибида ош тузини берадиган хлорли натрий ҳам мавжуд эканки, бу Ҳиндистоннинг марказий ҳудудини туз билан таъминлайди, демакдир. Тожикистоннинг жанубида Хожа-Мўмин деб номланадиган тоғнинг туздан бунёд этилганлигига ҳеч ким ишонмаса керак. Айтишларича, мазкур тоғдан овқат учун туз олинадиган бўлса, бутун ер юзига тахминан 100 миллион йилга етар экан. Япониянинг Кюсю оролида ярми сариқ, ярми қизғиш рангли кўл бор. Кўлнинг бундай рангларда кўриниши, сув тубида гугурт ва темир кукунлари борлигидан экан. Улар қўшилганда, кўл сиёҳ рангига кираркан.

● Исроил қишлоқ хўжалиги академияси мутахассислари оқ рангли янги зайтун навини етиштиришди. Лойиҳа раҳбари профессор Шимон Ливининг айтишича, олимлар муайян даражада зайтунлардаги қора рангли пигмент ўсишини тўхтатиш ва шу тариқа овқатланиш учун ишлатиладиган оқ зайтун навини чиқаришга муваффақ бўлишди. Янги мевалар кичик бўлганлиги сабабли ҳозирги пайтда каттароқ оқ зайтунни етиштириш мақсадида бошқа навлар билан селекция ишлари олиб борилмоқда.

Карор ва ижро

ИХЧАМ, БАТАРТИБ ВА САМАРАЛИ ШИРКАТ

Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида уй-жой коммунал хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш масаласини устувор вазифалардан бири сифатида қайд этди.

Маърузада уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги бошқарувни тубдан яхшилаш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УМШ) мақомини, ташкилий ва молиявий мустақиллигини, фаолиятининг самарадорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 февралда қабул қилинган «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори соҳада юзага келган муаммоларнинг ечимини топишда дастуриламал бўлмоқда. Мазкур қарорга мувофиқ шаҳарлар — вилоят марказларида, Тошкент шаҳри туманларида, шунингдек, аҳолиси 60 минг кишидан ошадиган, кўп хонадонли уйларга эга шаҳарларда УМШларнинг уюшмалари ташкил этилди. Улар ширкатларнинг фаолиятини яхшилаш, хизмат кўрсатувчи эксплуатация ва таъмирлаш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйишга кўмаклашмоқда.

Қайд этиш жоизки, ширкатларни етарли даражада ваколатга, зарур имтиёз ва преференцияларга эга бўлган уй-жой мулкдорларининг ҳақиқий ўзини ўзи бошқариш институтларига айлантирмай туриб, уларнинг фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш мушкул. Ҳолбуки, айрим УМШлар аъзоларидан тўпланган маблағларни уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва сақлашга йўналтириш ўрнига уларни ҳеч қандай режасиз, назарда тутилмаган мақсадларга сарфлаб юбормоқда.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани Қорасув мавзесидаги 4-уй негизида «Адолат сари» УМШ тузилмаганида, қирқ квартирадан иборат беш қаватли уй бирйўла 41 та кўпқаватли уйни бошқараётган улкан «Қорасув- коммунал» ширкати таркибидаги қаровсиз уйлардан бири бўлиб қолаверарди. Бундан икки йил илгари ташкил этилган мазкур ширкат хонадон соҳибларининг мадади билан қисқа фурсатда улкан ишларни амалга оширди.

Гарчи Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонунида ширкат алоҳида уйда, ҳатто уйнинг битта блок-секция ҳажмидаги қисмида ташкил этилиши қайд этилган бўлса-да, «Адолат сари» ширкатини тузиш осон бўлмади. 1978 йилда қурилган, бирор марта ҳам капитал таъмирдан чиқмаган авария ҳолатидаги уй аҳли ўзининг умумий мулкини ўзи бошқаришга қарор қилганида, улардан йиғиладиган катта миқдордаги фойдаланиш харажатлари тўловини қўлдан чиқаришни истамаган «Қорасув-коммунал» УМШ раҳбарияти бу қарорга қаршилик қилди. Битта уйни бошқаришни кўзда тутган ширкат фаолияти самарасиз бўлиб, йиғилган пули ўзига етмайди ва натижада уйга яхши хизмат кўрсатолмайди, деган важ билан ширкат рўйхатга олинмади. Бироқ суд адолатни тиклади: туман ҳокимлиги ширкатни расмий рўйхатдан ўтказадиган бўлди...

Ширкатларнинг фаолияти кишиларга ортиқча бош оғриғи туғдириш эмас, балки уларнинг умумий мулкини бошқаришдаги муаммоларни ҳал этишдан иборат бўлмоғи лозим. Аъзолардан тўпланган маблағларни бошқа мақсадларга йўналтириш эмас, аксинча, уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва сақлашга сарфлаш даркор. Тошкент шаҳар хўжалик судининг ажрими билан янги ширкат тузилгунига қадар шу уй соҳибларидан тўпланган маблағларнинг уйга сарфланмаган қисми - икки миллион юз минг сўм «Қорасув-коммунал» ширкатидан «Адолат сари» ширкати фойдасига ундирилди. Ҳисобли дўст айрилмас деганларидек, уй аҳлининг икки миллион сўмга яқин фойдаланиш харажатлари тўловидан қолдиқ қарзлари ҳам ширкат тасарруфига ўтказилди.

Ширкат аъзолари умумий йиғилишида кўпчиликни изтиробга солган муаммо - чакка ўтавериб путурдан кетган томни капитал таъмирлашга қарор қилинди. Излаган имкон топар деганларидек, ширкат Урбан институти томонидан ўтказилган «2005 йилда Тошкент шаҳри, Фарғона водийси, Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятларида фаолият кўрсатаётган УМШларининг энг яхши иш тажрибаси» танловида иштирок этиб, учинчи ўринни эгаллади. Танловда қўлга киритилган тўрт минг доллар ёнига ширкат ҳисобидан 800 минг сўм қўшилиб, том капитал таъмирланди.

Ширкатларда асоссиз равишда бошқарув ва хизмат кўрсатиш ходимларининг ортиқча штати сақлаб қолиниши, маблағларни суиистеъмол қилиш ҳолатлари кузатилаётгани сир эмас. «Адолат сари» УМШ бошқаруви эса ихчамгина: раис, ҳисобчи, боғбон-фаррошдан иборат. Бошқа мутахассислар зарурат туғилганидагина шартнома асосида ишга жалб этилмоқда. Йиғилган маблағларнинг ҳар бир тийини ҳисобли, зарур эҳтиёжгагина сарфланади.

— Умумий мулкни тасодифий кишилар эмас, унинг ҳақиқий эгалари бошқаргани маъқул, — дейди «Адолат сари» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Юсуф Эшонқулов. — Алоҳида ширкат тузганимиздан буён уйимизни ҳар томонлама обод этиш ишига ёшу қари бирдек фаол иштирок этадиган бўлди. Кишида мулкдорлик ҳисси кучайгани сайин умумий мулкни бошқариш ва уни рисоладагидек сақлашга бўлган интилиш ҳам ортар экан. Ширкатимизда фойдаланиш харажатлари тўловидан қарздорлар йўқ ҳисоби. Ҳатто, кўпчилик хонадон соҳиблари тўловларни ярим йил-бир йил олдин тўлаб боришяпти.

Дарҳақиқат, бир уй негизида битта ширкат ташкил этиш нақадар самарали экани «Адолат сари» УМШ фаолиятидан ҳам кўриниб турибди. Кўпдан қуён қочиб қутилмас. Қисқа муддат ичида уйнинг барча подъездларига темир эшиклар ўрнатилди, уларнинг иккитаси капитал таъмирдан чиқарилди. Уйнинг олди панжара билан ўралиб, йўлакларга тош ётқизилди. Теварак-атроф ободонлаштирилиб, мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазилди. Мухтасар айтганда, бир йилнинг нари- берисида бир уйда жами 21 миллион сўмлик иш амалга оширилди.

Жорий йилда ширкат аъзолари уйнинг мавжуд электр асбоб-ускуналарини таъмирлаш ва янгилашга, қолган иккита подъездни ҳам капитал таъмирдан чиқаришга қарор қилишган. Уйнинг олд фасадини, канализация қувурларини таъмирлаш, йўлакларга айвончалар ясаб, ўриндиқлар ўрнатиш режаси ҳам кун тартибида. Аҳиллик, ўзаро бирдамлик бор жойда бундай катта- кичик муаммоларни ҳал этиш ҳеч гап эмас.

Норали ОЧИЛОВ,
ЎзА мухбири

Дэвис Кубоги-2006

ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ: УСТУНЛИК БИЗ ТОМОНДА

КЕЧА пойтахтимизда теннис бўйича Дэвис Кубоги ўйинларининг Осиё-Тинч Океани минтақасига кирувчи икки терма жамоаси — Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги мусобақаларга якун ясалди. Мавсумнинг иккинчи босқичидаги ушбу ўйинларда бизнинг терма жамоа ниҳоят устун келди.

Эслатиб ўтиш жоизки, шу йилнинг февраль ойида таиландлик теннисчилар билан ўтказилган учрашув меҳмонлар ғалабаси билан тугаганди. Иккинчи раунд ўйинлари нечоғлик ҳал қилувчи эканлигини ҳис этган ҳолда ҳамюртларимиз пухта тайёргарлик кўришга ҳаракат қилишди ва энди биз бунинг натижаси самарали кечганининг шоҳиди бўлиб турибмиз. Ўзбекистон терма жамоаси хитойлик теннисчилар устидан 3:0 ҳисобида ютуқни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Лекин очиғини айтадиган бўлсак, бу ўйиннинг якуний натижаси дастлабки кунданоқ маълум эди.

Мамлакатимизнинг биринчи ракеткаси Дмитрий Истомин хитойлик Пен Сун билан беллашувда ўзига хос маҳорат мактабини кўрсатди десак муболаға бўлмайди. Узоқ — тўрт сет давом этган учрашувнинг биринчи-иккинчи сетларида 6/4 ва 6/2 натижалари билан устун келган Дмитрий учинчи сетда бироз кучсизлик қилгандай бўлди ва рақибига олтита очко ҳадя этди (3/6). Бироқ ҳал қилувчи сетда ҳисобни тенглаштиришга эришиб, хитойлик спортчини мағлуб этди.

Яна бир ҳамюртимиз Фаррух Дўстовнинг натижалари, таъкидлаб ўтиш керак, кўпчилик учун — томошабинларга ҳам, мутахассисларга ҳам кутилмаган ҳол бўлди. У дастлабки сетни ўз ҳисобига ҳал этган бўлсада, аммо рақибига ҳам анчагина — тўрт очкодан иборат имконият очиб берди (6/4). Иккинчи ва учинчи сетларда эса ўйинни бутунлай ўзи бошқариб, 6/0 ва 6/1 ҳисобда енгил ғалаба қозонди.

Дэвис Кубоги анъаналарига кўра, жуфтлик баҳслари ҳар доим муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Шанба куни бўлиб ўтган жуфтлик учрашуви ҳамда биринчи кун натижалари асосида минтақа терма жамоалари ўйини 3:0 ҳисобида ўзбекистонликлар ғалабаси билан тугади.

Дэвис Кубоги мусобақалари тарихига тўхталиб ўтадиган бўлсак, бу турнирга асос ўтган асрнинг бошларида солинган. Чемпионлик шоҳсупасига шу вақтгача Франция, Испания, Германия, Россия, Италия ва яна бир нечта бошқа давлатлар чиққан.

Теннис бўйича норасмий жаҳон турнирининг тузилмаси юқори лига ва учта минтақавий гуруҳлардан ташкил топган.

Юқори, яъни жаҳон лигасига Австрия, Аргентина, Австралия, Белоруссия, Швеция, Швейцария, Испания, Германия, Франция, Голландия, Россия, Руминия, АҚШ, Греция, Чили ва Словакия — 16 та давлатнинг терма жамоалари киради.

Минтақавий миқёсда эса Америка, Осиё-Тинч Океани ҳамда Европа-Африка зоналари мавжуд бўлиб, улар, ўз навбатида, тўртта гуруҳга бўлинади. Ўзбекистон терма жамоаси Осиё-Тинч Океани зонасига киради. Дэвис Кубоги ўйинларида эса 1994 йилдан буён қатнашиб келмоқда ва айни пайтда биринчи минтақавий гуруҳдан жой олган. Бу дегани ўтган вақт ичида ҳамюртларимиз бу гуруҳга киришдан аввал уч босқичдан иборат машаққатли йўлни босиб ўтишган. Қолаверса, шу йиллар ичида ўзбекистонлик теннисчилар жаҳон лигасига кириш учун тўрт маротаба Австрия, Чехия, Голландия, Испания каби давлатларнинг кучли жамоалари билан тенгма-тенг беллашган.

Ўзбекистон терма жамоаси ғалабаси билан якунланган хитойлик спортчилар билан учрашув ҳамюртларимизга минтақавий ўйинларнинг биринчи гуруҳида ўз ўрнини сақлаб қолишга имконият яратди. Аммо хитойликлар эса юқори поғонага чиқиш учун қайтадан, эндиликда иккинчи гуруҳдан бошлаб ҳаракат қилишларига тўғри келади.

Ильмира ШАРАФУТДИНОВА

Фармон ва ижро

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ ТАМОЙИЛЛАРИГА ТАЯНИБ

«СОЛИҚ ХИЗМАТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ КОДЕКСИГА КИРИТИЛГАН БАРЧА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАРНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ ХОДИМЛАРИ, БАРЧА ТУРДОШ ХИЗМАТЛАР КАБИ, МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2005 ЙИЛ 27 ДЕКАБРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 2006 ЙИЛ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ИСТИҚБОЛИ ВА ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ ЮЗАСИДАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛМОҚДА.

Солиқ инспекцияси юридик бўлимининг асосий вазифаларига солиқ тўловчилар ҳисобини олиб бориш, улардан молия ҳисоботларини қабул қилиш, шунингдек, солиқ ва мажбурий тўловларнинг вақтида таъминланиши устидан назорат ўрнатиш, бюджетга бўлган тушумлар бўйича таҳлил ўтказиш киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилиниши билан, айтиш мумкинки, тадбиркорлик субъектларини режавий текшириш ишлари солиқ органлари фаолиятида иккинчи даражали бўлиб қолди, чунки хўжалик субъектлари, яъни юридик шахслар бўйича текширувларнинг кескин қискариши юзага келди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу борада режадан ташқари текширувлар ўтказилиши эса фақат тадбиркорларнинг ўзига бевосита боғлиқдир. Агарда хўжалик субъектлари фаолиятида қонунга хилоф ҳаракатлар бўлмаса ва улар томонидан солиқлар вақтида тўланиб борилса, солиқ инспекцияси, яъни биз, Фармонда кўрсатиб ўтилганидек, микрофирма ва кичик корхоналар фаолиятини фақат тўрт йилда бир маротаба, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса — уч йилда бир маротаба режа асосида текширишга ҳақлимиз. Янги ташкил этилган кичик субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти устидан текширув уларнинг давлат рўйхатидан ўтган давридан бошлаб икки йил мобайнида ўтказилмайди.

Дарҳақиқат, мазкур Фармон ўз вақтида қабул қилинди ва аввалambor тадбиркорликнинг янада ривож топишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ҳужжатни давлат томонидан тадбиркорлар манфаати йўлида қўйилган шаҳдам қадам бўлди дея тавсияласак муболаға бўлмайди. Шундай экан, ўйлаймизки, бизнес вакиллари ҳам, ўз навбатида, бундай эътиборни муносиб баҳолаб, биринчи навбатда бюджет олдидаги мажбуриятларини интизомли равишда бажаришлари лозим. Фармон айримларнинг гўё бизнес вакиллари уч-тўрт йил ишлаб, ўз фаолиятини ҳукуматнинг 1999 йил 3 июлдаги тегишли қарорига асосан солиқ идоралари томонидан тугатишлари мумкин, деган талқинига айланиб қолмаслиги керак. Шунинг учун корхоналарга тегишли ариза ҳамда тугатиш балансига биноан тугатиш жараёнини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ўзини ўзи тугатишдан бўйин товлаганларга нисбатан энг кам ойлик маошининг 100 карра ёки ундан юқори миқдорида маъмурий жавобгарлик белгиланишини таклиф этамиз. Ҳозирги кунда, агарда тўловчи ўзини ўзи тугатишдан қочса, солиқ органларининг бирон-бир таъсир чораларини кўришга имкониятлари йўқдир. Бу эса айрим тадбиркорларга нопок манфаатлари йўлида қўл келаётир.

Султон ШАМШИЕВ,
Яккасарой тумани ДСИ юридик бўлими бошлиғи,
Носир ТОШПЎЛАТОВ,
туман ДСИ сектор бошлиғи

Маънавият

ЯНГИ НАШР ТАҚДИМОТИ

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ РЕСПУБЛИКА ЖАМИЯТИ ФЕДЕРАЦИЯСИ УЧУН ЎТГАН ЙИЛ САМАРАЛИ БЎЛДИ. МИЖОЗЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАДБИРЛАРГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ БЕРИЛДИ.

Бу тарғибот ишлари алоҳида рисолаларда ўз ифодасини топди. «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Қонунига изоҳли шарҳ» деган қўлланма эса кўп нусхада чиқарилди.

Жамият федерацияси уни босмага тайёрлашда Тошкент Давлат юридик институти олимлари билан ҳамкорлик қилди. Ушбу янги нашр тақдимоти истеъмолчиларда яхши таассурот қолдирди.

«МАФТУНКОР ЙЎЛЛАР» БУКЛЕТЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ТАШКИЛ ТОПГАН ХУСУСИЙ ТУРИСТИК ТАШКИЛОТЛАР РЕСПУБЛИКА УЮШМАСИ ТУРЛИ НАШРЛАРНИ БОСМАГА ТАЙЁРЛАШ БИЛАН ҲАМ ШУҒУЛЛАНМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЁҲЛИК ТИЗИМИ ИСТИҚБОЛЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ТЎПЛАМЛАР УСТИДА ҲАМ ИЗЛАНИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

«Мафтункор йўллар» деб номланган буклет эса яқинда кўп нусхада чоп этилди. Инглиз тилида чиқарилган бу нашр Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва Хива шаҳарларига бағишланди.

Чет эллик меҳмонларга совға сифатида Фарғона, Андижон, Термиз ва Тошкент шаҳарлари ҳақида ҳикоя қилувчи буклетлар ҳам босмага тайёрланмоқда.

ЯПОНШУНОСЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

ЯПОНИЯНИНГ ИБАРАКИ ПРЕФЕКТУРАСИДАГИ «ЦУКУБА» УНИВЕРСИТЕТИДА «ЮКСАК ЦИВИЛИЗАЦИЯ — ТИЛ, МАДАНИЯТ ВА ЖАМИЯТ ҚАРАШЛАРИ» МАВЗУИДА ЯПОНШУНОСЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ.

Тадбирда университет олим ва талабалари, Марказий Осиё, хусусан, ўзбекистонлик япон тили мутахассислари қатнашдилар.

Японияннинг етакчи илмий тадқиқотлар марказларидан бири «Цукуба» университети Тошкент Давлат шарқшунослик институти билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Ўтган йили икки университет ўртасида талабалар алмашуви бўйича шартнома имзоланган. Ушбу анжуман жорий йилнинг февраль ойида ТошДШИда япон тили ўрганиш муаммолари ва минтақашунослик соҳасида тадқиқотлар ўтказиш масалаларига бағишланган анжуманнинг узвий давоми бўлди.

Симпозиум очилиш маросимидаги чиқишида «Цукуба» университети вице-президенти Норио Кудо «Тил бу — турли халқларнинг бой илмий мероси хазинаси, уларнинг тарихи, маданияти ва анъаналарини ўрганишга йўл очиб берувчи восита бўлиб хизмат қилади», деди.

Буюк Ипак йўли марказида жойлашган Ўзбекистонда азалдан турли халқлар маданияти, тили ва дунёқарашига катта эътибор қаратилганини таъкидлади. Бугунги кунда Тошкент, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларининг бир қатор университетлари қошида япон тилини ўрганиш марказлари ишлаб келаётгани ҳамда ўзбекистонлик ёшлар Қуёшқор мамлакат маданияти ва тилини зўр қизиқиш билан ўрганаётгани фикримизнинг далилидир.

Анжуман давомида мутахассислар тил ўргатиш масалалари, халқларимиз ўртасидаги ўзаро тушуниш ва дўстона муносабатлар асосини келгусида янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи мавзуларда ўзаро фикр алмашдилар.

Акмал ҚЎЧҚОРОВ,
«Жаҳон» АА
Токио

«ТАСВИРИЙ ОЙИНА» ПЛАКАТЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА КЎРГАЗМАЛИ ТАРҒИБОТ ВОСИТАЛАРИНИ ОММА ОРАСИДА ОММАЛАШТИРИШДА «ТАСВИРИЙ ОЙИНА» ИЖОДИЙ УЮШМАСИНИНГ ХИЗМАТИ КАТТА БЎЛМОҚДА. БУ НУФУЗЛИ ТАШКИЛОТ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА ЎН ЙИЛЧА БЎЛИБ ҚОЛДИ.

Бу орада унинг фаолият доираси янада кенгайди. Мустақиллик руҳини тарғибот воситалари орқали ёйиш борасида уюшма бой тажриба орттирмоқда. Турли мавзуларда чиқарилаётган плакатлар ҳам ёшларимиз маънавияти камолотида муҳим ўрин тутаётир.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда юзага келган туркум плакатларни эндиликда ўқув даргоҳларида ҳам учратамиз. «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори» деб номланган плакатлар ўз мазмун-эътибори ва тасвири билан ажралиб туради.

«Тасвирий ойина» вазирлик буюртмаси билан ўзбек диёри манзаралари акс этган туркум тарғибот воситаларини тайёрлашга киришди.

Анвар ВАЛИЕВ

"Тошкент оқшоми" саломатлик хизмати

БИЛИБ ҚЎЙИШ ФОЙДАЛИ

КИЧКИНТОЙЛАРНИНГ ЎЗАРО "ЧУҒУР-ЧУҒУРИ"ГА, ЯЪНИ ЎЗ "ТИЛЛАРИ"ДА ГАПЛАШИШЛАРИГА ХАЛАҚИТ БЕРМАСЛИК КЕРАК!

Чех олимлари болалардан ким кунига қанча сўзни айта олишини ҳисоблашга эринишмади. Айнан 5 ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар сергап чемпионлар бўлиб чиқишди.

Болалар ёнларида суҳбатдош дўстлари бўлмаса ҳам хафа бўлиб ўтирмай, ўзлари билан ўзлари гаплашиб, кун давомида 14 минггача сўзни айтиб улгуришаркан. Бундай "гапириш" эҳтиёжи табиат томонидан белгиланган ва дастурлаштирилган. Уларнинг бир жойда муқим ўтиролмасликлари ҳам ана шу эҳтиёж билан боғлиқ экан.

Ҳаракатланишга бўлган доимий эҳтиёж мушакларнинг чиниқишига олиб келса, нутққа бўлган эҳтиёж товуш пайларини чиниқтиради. Буларнинг ҳаммаси ҳар бир инсон боласида туғма хусусият сифатида мавжуд бўлади. Зеро, ўз ҳаракатлари ва нутқини тўғри ва аниқ ўзлаштирмаган одам жамиятга ростмана мослаша олмайди ва кўнгилдагидай умр кечиролмайди.

ТУХУМ ПЎЧОҒИ – ШИФОБАХШ

ҚАДИМИЙ ТИББИЁТ КИТОБЛАРИДА ТАРКИБИГА ОДДИЙ ТУХУМ ПЎЧОҒИ КИРГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР ҲАҚИДА КЎП ЁЗИЛГАН. РОССИЯ ОЛИМЛАРИНИНГ ЎН ЙИЛЛИК ИЗЛАНИШЛАРИ ТУХУМ ПЎЧОҒИ ИНСОН ОРГАНИЗМИ ЕНГИЛ ҲАЗМ ҚИЛАДИГАН КАЛЬЦИЙ МОДДАСИНИНГ АЖОЙИБ МАНБАИ ЭКАНИНИ ИСБОТЛАДИ.

Кальций моддасининг етишмаслиги инсон саломатлигига ҳалокатли таъсир этиши аввалдан маълум: кальций моддаси алмашинуви бузилган аёллар туғишда қийналишса, болаларда рахит касаллиги юз беради, улар тишларининг чиқиши суслашади. Организмда кальцийнинг етишмаслиги камқонлик, шамоллаш касалликларига, аллергия, герпес ва бошқа кўплаб хасталикларга билвосита сабаб бўлади.

90 фоиз кальций карбонатидан ташкил топган товуқ тухуми пўчоғи инсон организми томонидан 100 фоиз ўзлаштирилиши исботланган. Айни пайтда унинг таркибида организм учун жуда зарур бўлган кўплаб микроэлементлар – фтор, мис, темир, марганец, молибден, фосфор, олтингугурт, рух, кремний каби жами 27 хил элемент мавжуд.

Тухум пўчоғи таркиби суяклар ва тишлар таркиби билан қарийб бир хил бўлиб, иликнинг қон ҳосил қилиш функциясини кучайтиради. Катта ёшдаги кишилар тухум пўчоғини йилига икки марта 15–20 кун давомида истеъмол қилишлари керак.

Истеъмол учун тухум пўчоғи қуйидагича тайёрланади: тухумни илиқ сувда совунлаб ювилади, кейин яхшилаб чайилади. Тухумнинг оқи ва сариғи идишга оқизиб туширилади, пўчоғи эса, яна бир карра чайиб, қайнаб турган сувга 5 дақиқа ташлаб қўйилади.

Тухум пўчоғини яхшилаб қуритиб, сўнг ховончада кукун ҳолига келтириб янчилади. Бир марталик истеъмол миқдори ёшга ва вазнга қараб 1,5 дан 3 граммгача (чой қошиғининг учида) олиниб, нонушта пайти сузма ёки ширгуруч, манний бўтқаси билан қўшиб ейилади.

Саид ВАЛИ тайёрлади.

2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ШИРИН СЎЗИНГ, МАҲОРАТИНГ ДАВОДИР...

ХАЛҚИМИЗ ОРАСИДА ШУНДАЙ ШАРАФЛИ КАСБ СОҲИБЛАРИ БОРКИ, УЛАРНИ БЕЖИЗ САЛОМАТЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ ДЕБ АТАМАЙМИЗ. ТУНУ КУН БЕМОРЛАР САЛОМАТЛИГИ ТЎҒРИСИДА ҚАЙҒУРИБ, АТРОФЛАРИДА ПАРВОНА БЎЛИБ, ДАРДЛАРИГА МАЛҲАМ БЎЛАЁТГАН ШИФОКОРУ ҲАМШИРАЛАРНИНГ МЕҲНАТЛАРИ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚДИР.





Шифокор аввало беморларни хушмуомаласи, ширин сўзи билан дарддан халос этади, дейдилар. Ҳақиқатан ҳам беморга айтилган ҳар бир ширин сўз уни руҳан парваришлаб, нажот соҳилига етаклайди, соғайишига бўлган ишончини мустаҳкамлаб, ҳаётга бўлган интилишига қувват беради. Бу соҳа вакиллари орасида албатта қўли енгил, ширин сўз, тажрибали шифокорлар кўплаб учрайди. Улар ҳақида доимо фахрланиб сўзлаймиз. Абу Али ибн Сино номидаги 1-шаҳар клиник шифохонаси бош шифокор Салоҳиддин Баҳирдихонов раҳбарлигида аҳоли саломатлигини сақлашда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Шифохонанинг 2-тезкор жарроҳлик бўлимида даволанаётган беморларнинг самимий дил сўзларини эшитиб, беихтиёр мазкур бўлим фаолияти билан қизиқиб, бу ердаги шарт-шароитлар, тиббиёт соҳасида эришилаётган ютуқлар билан танишишга ҳаракат қилдик. Айниқса бўлим мудири, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор Абдурасул Шукуров ва унинг иш тажрибаси ҳақида бўлимда даволанаётган беморлар чексиз миннатдорлик билан ўзларининг дил сўзларини изҳор қилишди.

— Мен жигар хасталиги туфайли Қўқон шаҳридан келиб икки марта шу бўлимда даволандим, — деди 56 ёшли Мухтор Мелибоев. — Абдурасул Шукуров тажрибали мутахассис, ўз касбининг устаси, қўли енгил жарроҳ. Шу билан бирга ширинсўз, қалби дарё, беморларга сидқидилдан ғамхўр инсон.Шуниси аҳамиятлики, Абдурасул ака имкон қадар беморларни тиғ теккизмасдан, операциясиз даволашга ҳаракат қиладилар. Мени ҳам шу усулда даволадилар. Ҳозир соғлиғим жуда яхши. Ушбу бўлим шифокору ҳамширалари, айниқса Абдурасул акадан жуда миннатдорман.

Бу каби самимий дил сўзларини яна бир нечта беморлардан эшитдик. Дарҳақиқат, Абдурасул Шукуров кўп йиллик иш тажрибасига эга етук мутахассис сифатида мазкур бўлимда беморларнинг жигарини турли хасталиклардан даволашда тиғ теккизмасдан жарроҳлик операцияларини муваффақиятли бажариб келмоқда. У кишини ярим тундами, эрта тонгдами тажрибали жарроҳ сифатида кўпинча бошқа касалхоналарга, туғруқхоналарга ёрдамга чақириб қолишади. Абдурасул Шукуров Ҳамдўстлик мамлакатларида ўтказиладиган йирик анжуманларда иштирок этиб, ўзининг бой тажрибаларини кенг ёйиб келмоқда. Ҳозирги кунда унинг қўлида даволаниш учун нафақат шаҳримиз, балки республикамиз вилоятларидан кўплаб беморлар нажот сўраб келишади.

— Бўлимимиз 30 ўринга эга бўлиб, бу ерда асосан жигар-ўт йўллари, ошқозон-ичак, шунингдек, ўткир жароҳатли беморлар даволанади.Шу билан бирга Тошкент тиббиёт академияси жарроҳлик кафедраси профессори Альберт Ервандович Агалиев раҳбарлигида тиббиёт илмининг ютуқлари амалда татбиқ этилмоқда. Кўп ҳолларда жигар эхиноккоки касалликларини тиғ теккизмай операциясиз даволаш усули йўлга қўйилган ва амалиётда кенг қўлланилмоқда,— дейди 2-тезкор жарроҳлик бўлими мудири Абдурасул Шукуров.— Шунингдек, ўт қопида тош бўлган беморларни янги - лапараскопик усулда операция қилиш йўлга қўйилган. Бўлимимиз замонавий тиббиёт анжомларига эга бўлиб, беморлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳомийлар ёрдамида бўлимимиз қайта таъмирланди ва Америкадан беморлар учун махсус каравотлар олинди. Бугунги кунда бўлимда жарроҳлик кафедраси ҳам фаолият олиб бормоқда. Яна шуни ҳам айтиш керакки, келгусида бўлимимизда эхиноккок касалликлари маркази ташкил этиш ниятидамиз.

Мазкур бўлимда жарроҳлик операцияларини самарали амалга ошириб, беморларга шифо беришда тажрибали, олий тоифали шифокорлардан Аббос Шамсиев, Ислом Камолов, Маъмур Нурмуҳамедов, Акмал Бобожонов, Рустам Нурхўжаев, шунингдек, олий тоифали ҳамширалар — Дилноза Илҳомова, Нилуфар Пирматова, Муборак Жўраева, Руслана Абдураҳмонова, Шоира Шокирова, Гўзал Абдураззоқова, санитар-ҳамшира Кумуш Раҳмонбердиевалар меҳнатлари таҳсинга сазовор бўлмоқда. Улар беморларни аввало ширин сўзлари, меҳр-муҳаббатлари билан даволашга муҳим аҳамият берадилар. Бундай жонкуяр, ўз касбига астойдил меҳр қўйган саломатлигимиз посбонлари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, фақат шифокор эмас, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида фаолият кўрсатувчи ҳар қайси ходим, қолаверса ҳар бир маданиятли инсон ширин сўзли, очиқ чеҳрали, хушмуомалали, бир сўз билан айтганда одамийликни ўзининг энг олий, инсоний бурчи деб билмоғи лозим.

Дилором ШОКИРОВА

СУРАТЛАРДА: (ўнгда) 2- тезкор жарроҳлик бўлими мудири Абдурасул Шукуров, шифокор Аббос Шамсиев ва ҳамшира Дилноза Илҳомова бемор аҳволини назорат қилишмоқда; (чапда) ҳамшира Клара Турдикова беморга муолажа кўрсатмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар







«Камолот»

ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

МАЪЛУМКИ, НАВРЎЗ ХАЛҚИМИЗНИНГ ЁРУҒ ТУЙҒУЛАРИНИ, ЎЛМАС РУҲИ ВА МАЪНАВИЯТИНИ ЎЗИДА ЁРҚИН НАМОЁН ЭТАДИГАН ЭНГ ҚАДИМИЙ ВА АРДОҚЛИ АСЛ МИЛЛИЙ БАЙРАМИДИР. ШУНИНГ УЧУН УШБУ БАЙРАМНИ ЁШУ ҚАРИ ҚАЛБИДА ҚУВОНЧ ВА ИШОНЧ БИЛАН НИШОНЛАЙДИ.

Наврўз шодиёналарини «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳар йили ўзгача кўтаринки руҳда ўтказиши анъанага айланиб кетганлиги барчага аён. Бу йил ҳам ташкилот томонидан ушбу байрамга бағишланган катта фестивал ташкил қилинди. «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» деб номланган фестивалда пойтахтимизнинг 11 та туманидаги «Камолот» бўлимлари аъзолари иштирок этишди.

Фестивал ҳар бир иштирокчининг кийган миллий либоси, «Миллий қадрият, урф-одат» мавзуларидаги фото альбом ва ижодий ҳисоботи, «Хуш келибсиз, ҳурматли меҳмон!» миллий дастурхони, «Наврўз ва ёшлар» мавзусида деворий газета ҳамда фестивалга бағишланган туманнинг шиори, туманларнинг бадиий чиқишлари каби шартлар асосида ўтказилиб, уларни кутилганидан ҳам аъло даражада бажарган «Камолот»нинг 11 та туман бўлими аъзолари бирдек ғолиб деб топилди.

— Ушбу фестивалдан кўзланган асосий мақсад юртимизнинг эртанги кунининг ишончи ва умиди бўлган ёшларимизнинг ўзбек миллий урф-одатларига бўлган қизиқишларини кучайтиришдан иборат,— дейди «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот маркази раҳбари Отабек Эшматов.

Фестивал давомида катта дошқозонларда сумалаклар пиширилиб, ҳар бир туман ёшлари томонидан байрам дастурхони тайёрланди. «Камолот»чи ёшларнинг ўз миллати ва урф-одатига бўлган ҳурмат ва эътибори байрамда янграган миллий лапарлар, ўйинлар ва саҳна кўринишлари орқали яққол сезилиб турди. Шунингдек, фестивалда эстрадамиз юлдузлари ҳам ўз мусиқий туҳфалари билан иштирок этишди.

Орзугул РУСТАМОВА

СУРАТЛАРДА: фестивалдан лавҳалар

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2005 ЙИЛ 14 МАРТДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «2005- 2006 ЙИЛЛАРДА КОРХОНАЛАРНИ ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ МУЛК ЎЗИНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭГАСИНИ ТОПИШИДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛАЁТИР.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Ҳужжатга кўра, давлат активларини, яъни давлатга қарашли корхоналар, объектлар ва акциялар пакетларини давлат тендер комиссияси ҳамда биржа савдолари орқали очиқ сотиш белгиланган.

— «Давинком» давлат инвестиция фирмаси бу борада Давлат мулки қўмитасининг ваколатли вакили ҳисобланади. У давлат активидаги акциялар пакетлари, корхоналар ва объектлар бўйича маълумотлар тўплаш, реклама фаолиятини олиб бориш, уларни биржа савдоларида сотиш, биржа савдоси натижаси бўйича рўйхатга олинган битимлар ижроси мониторингини юритиш вазифасини бажаради, — дейди ушбу муассаса бош директори Шаҳобиддин ШАРИПОВ ЎзА мухбирига. — Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури ижросини таъминлаш мақсадида ўтган бир йил давомида биржа савдолари орқали жами 1004 та давлат активи салкам йигирма тўққиз миллиард сўмга сотилди. Шунинг ўн олти миллиард сўмлик қисми сотилган объект ва корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Жорий йил бошидан буён эса 210 та давлат активини 14,2 миллиард сўмга, шу жумладан 7,8 миллион АҚШ долларига сотилишига эришдик. Савдога чиқарилаётган объектларнинг бошланғич нархига харидор томонидан талаб бўлмаса, амалдаги тартибга кўра, улар баҳосига босқичма-босқич пасайтириш механизми қўлланилаётгани бу борада айниқса яхши самара бермоқда. Натижада бундай корхоналарга киритилаётган инвестиция ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтиришга ва уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга, янги иш ўринларини яратишга йўналтирилмоқда.

ЎзА мухбири
Лазиз РАҲМАТОВ
ёзиб олди.

Ўз-ўзи ўзгариб боради...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Кишиларнинг суқига ишингни бермагин,
Вафосиз кишиларга ошингни едирма.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Айтишларича, бир араб саркардаси бор эди. Қариб қолишига қарамасдан унинг дилида ҳамон шижоат йўқолмаган эди. Бир куни отга минмоқчи бўлди. Икки киши келиб, унинг қўлтиғидан олиб, отга зўр-базўр миндириб қўйдилар. Улардан бири таъна қилиб: «Отига зўрға миндириб қўйдигу, унинг қўлидан нима иш келарди?» деди. Буни эшитган саркарда бояги одамга деди: «Ҳа, отга икки киши миндирди, аммо уни минг киши ҳам тушира олмайди!».

Буни эшитиб турган Анушервон унга таҳсин ўқиди ва деди: «Ҳа, у рост айтади, қўл юрак қувватига тобеъдир, унинг юрагида ботирлик кучи бор!»

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Азизим, беақл киши шундай кишики, жанг вақтида сулҳ тузишни истайди, тинчлик пайтида эса жанг қилишни хоҳлайди, қаҳрини сочиш лозим бўлган пайтда лутфу карам эшигини очади. У оқилларнинг мана бундай деганини билмайди:

Бемаврид жангу сулҳ фойдасиз, зиён,
Гулга гул бўлгину, тиконга тикон!

Ёки:

Тинчлик истасалар, тинчликдан кечма,
Жангга талаб қилса юз буриб қочма!

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзал.

«Амир ТЕМУР ўгитлари»

Афросиёб ўз лашкарларига: «Жангга ҳарис бўлинг, узоқ яшайсиз, ўлимга ҳозир бўлинг, бахту иқболингиз кулади!» дер эди.

Келтиришларича, Искандар жангга отланиб кетиш олдидан устози Арастудан насиҳат ва маслаҳат олар экан. У бир куни Арастуни чақирди ва унга деди: «Эй ҳаким, мен узоқ юртларга бормоқчиман, у ерларда турли хил одамларга дуч келаман, улар билан қандай муомала қилишим керак?» Ҳаким унга шундай насиҳат қилди: «Эй Искандар, иложи борича одамларда ўзингга нисбатан душманлик ҳиссини уйғотма, дўстларингни эса ҳар хил сўз ва феълинг билан ҳафа бўлишларига йўл қўйма. Биров сенга душманлик қилса, унга ёмон кўз билан қараш ўрнига яхши сўз ва ҳадялар билан хурсанд қил, натижада дўстга айланади. Дўстларингни гапига қулоқ сол, уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўй, шунда улар душманга айланмайди». Искандар унга: «Яна давом эттир», — деди. Ҳаким деди: «Душманинг битта, иккита бўлса ҳам уларнинг нима қилаётганидан бехабар бўлма, юмшоқлик билан қилиш мумкин бўлган ишни қўполлик билан амалга оширма!»

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Оқил ақли ҳисга гирифтор бўлмас,
Ҳасад қилган билан тилло хор бўлмас.
Номард — ит кабидир, мард буюк дарё,
Дарё ит дамидин ҳеч мурдор бўлмас.

Паҳлавон МАҲМУД

Ёлғончилик кишини адолатдан юз ўгиртиради.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

Номард одам ҳақни қўйиб, ноҳақни майл этади.

Номард киши узрингни қабул этмайди, хатоингни эса кечирмайди.

Разилона яшагандан мардона ўлган яхши.

Заиф одам эҳтиёткорликни қўлдан бермаса душманини йиқади.

«ОТАЛАР сўзи»

Номард хизматига ёндошма зинҳор.

Паҳлавон МАҲМУД

Қўрқоқнинг жанжали узоқ бўлади.

Бировни қўрқитмаган бировдан қўрқмайди.

Кучли одамларга ярашмайдиган иш кучсизлардан қасос олиш.

Чиқмағил маккорликнинг томиға,
Тушкасен аду балонинг домиға.
Арфа экиб дашт билан роғда,
Буғдой олғум дема ўрар чоғда.

АЛМАИЙ

Одамиға тажриба доя этар,
Ростлик эр ўғлина моя этар.

Ҳайдар ХОРАЗМИЙ

Олам иши доимо мисли нард ўйин,
Номарднинг бошидан чиқарарди гард.
Олам иши доимо мисли нард ўйин,
Найранг билан ютади мардларни номард.

Паҳлавон МАҲМУД

ИШҚ – МУҲАББАТ БАЁНИДА

Муҳаббат аҳлининг жўёни бўлгил,
Ўшалким ушлади, қурбони бўлгил.
Муҳаббатсизки бўлди ҳар қаю зот,
Агар фарзанди шириндур, эрур ёт

Сўфи ОЛЛОЁР

Ёрнинг васли эмас озорсиз,
Гулшан ичра гул топилмас хорсиз.
Тан бузулди эмди роҳат қолмади,
Соя пайдо бўлмағай деворсиз.

НОДИРА

ҲИКМАТ. Ишқ либосини кийишдан ор қилиш ва муҳаббат лаззатидан бебаҳра бўлиш табиатнинг оғир жафоси ва касаллик тақозосидир.

Мажидиддин ХАВОФИЙ

Муҳаббат баҳри ошиқлар еридур.
Анга кирган тақи эрнинг эридур.
Муҳаббат шарбатин ичган унутмас,
Анга ҳар ким насиҳат қилса тутмас.
Керак ошиқ чиройи заъфарондек,
Нигори фикрида барги хазондек.
Эрур чун ишқ дарёси муаззам,
Кира олмас анга ҳар қайси одам.

МАЖЛИСИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган.

Кўргазмалар

АФСОНАГА АЙЛАНГАН НОМ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА МАШҲУР ҚЎШИҚ ВА РАҚС УСТАСИ ТАМАРАХОНИМ НОМИНИ ЭШИТМАГАН ВА БИЛМАГАН, УНИНГ САНЪАТИДАН ЗАВҚЛАНМАГАН ОДАМ БЎЛМАСА КЕРАК.



Айни кунларда Тамарахоним давлат уй-музейида Ўзбекистон маданиятининг ёрқин арбоби, таниқли раққоса ва қўшиқчи санъаткор Тамарахоним таваллудининг 100 йиллигига бағишланган кўргазма намойиш этилмоқда. 1924 йили Москвада илк бор ёш ўзбек раққосасини саҳнада кўрган А.Луначарский уни «Биринчи шарқ қалдирғочи» деб атаган эди. Узоқ 20-йиллардан бери Тамарахоним машҳур артистлар қаторида ҳақиқий қуйли-рақс миниатюра жанрини яратиб, халқ санъатига бўлган чексиз меҳр-муҳаббати ва тенги йўқ ижро маҳорати билан бутун дунёга танилди. Унинг саҳнадаги ҳар бир чиқишлари — бу миллий ўзига хос халқнинг бадиий образидир.

Тамарахонимнинг 50 йилдан ортиқ фаолиятидаги репертуари дунёнинг 86 та халқлари қўшиғи ва рақслари билан тўлган.У юксак даражадаги маҳорати билан ўзга халқлар тили, рақс ҳаракатларидаги хусусиятларини ва нозик миллий оҳангларини ўзида сингдирган. Шу билан бирга у биринчи балет мактаби асосчисидир. Чунки бу мактаб негизида хореография билим юрти ташкил топди ва ҳозирда балет артистларининг янги авлоди саҳнага етишиб чиқмоқда. Шуни ҳам таъкидлаш керак, 1941-45 йиллари Тамарахоним ўзининг концерт гуруҳи билан биргаликда Кавказ, Украина, Мўғулистон бўйлаб концерт дастурларини намойиш қилган. Умрининг охиригача хиром айлаган Тамарахоним узоқ бой ижодий ҳаётни бошидан кечирди.



Бугунги кунда халқимиз, жумладан санъаткорнинг мемориал уй-музейи ходимлари Тамарахоним хотирасини эъзозлаб келмоқдалар. Айни кунларда мазкур музейга ташриф буюрган томошабинлар бой экспонатлар тўплами орқали Яқин ва Узоқ Шарқ ҳақида яқиндан танишишга, шунингдек, Тамарахонимнинг шахсий архиви ва Ўзбекистон Республикаси Марказий кинофотофоно ҳужжатлар архивидан олинган видеотасма ёзувлари асосида юксак маҳорат билан ижро этилган рақсларини кўриш ва санъаткорнинг овозини эшитишга муяссар бўладилар.

Гулором ҲАМИДОВА

СУРАТЛАРДА: Тамарахоним давлат уй-музейидаги кўргазмадан лавҳалар.

Владимир Гранкин олган суратлар.

11 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

МУНАЖЖИМ С.ИЛЬИЧЁВ ТАВСИФИГА МУРОЖААТ ҚИЛАДИГАН БЎЛСАК, БУГУН ИШҚ-МУҲАББАТ ЭГАЛАРИ УЧУН ОМАДЛИ КУН ЭКАН. ШУНИНГДЕК, ЎЗ ДОЛЗАРБЛИГИНИ ТЕЗ ЙЎҚОТАДИГАН ИШЛАР УЧУН ҲАМ БУГУНГИ КУН ХАЙРЛИ ҲИСОБЛАНАДИ.

Мунажжим башорати

МУҲАББАТГА ТЎЛИҚ КУН

Бугун соч олдириш, гўзаллик салонларига ташриф буюриш фойдали. Шу куни уруғларни сепиш, кўчат ўтқазиш, иссиқхоналарда ўстирилган кўчатларни далаларга олиб чиқиб экиш мумкин. Бугунги кун заргарлар, рассомлар ва адибларга, ҳуқуқшунослар ва тадқиқотчи олимларга ижодий илҳом ва қувонч келтириши кутилади. Илм аҳли, айниқса маънавият соҳасида изланишлар олиб борувчилар миясида бугун ажойиб ғоялар туғилиши мумкин.

Ой сайёрасининг Тарозу буржида бўлиши кўпчилик одамларни ўзаро мақбул мурасо йўлларини топишга ундайди. Оқ ва Қора ой ўртасидаги яширин эркинлик жиҳатлари муаммонинг ҳар икки томонида турувчиларга виждонларига мос ечимларни топиш имконини беради.

Ҳар қандай ялтироқ маъдан буюм, айниқса узук топиб олиш бугун сизга келадиган мадад ва омаддан дарак беради. Идиштовоқни синдириб қўйиш эса – хатолардан огоҳлантириш аломатидир. Ёмғирда қолиб ивиб кетиш нохушлик аломати ҳисобланади. Соатнинг тўхтаб қолиши ёки калит йўқолиши бугунги куннинг энг нохуш аломатлари ҳисобланади.

Рамзий тушлар бугун ўнгидан келмайди, деб ҳисобланади. Лекин ёрқин ва аниқ-тиниқ тушларнинг ҳеч ҳаялламай ўнгидан келиши кутилади. Тушда олов, чақмоқ ва ёруғлик манбаини кўриш яхшилик аломати, ўзини яланғоч ҳолда кўзгуда кўриш нохушликларга далолатдир.

Буйраклар ва пешоб йўллари хасталикларга мойил бўлади. Белдаги оғриқлар ва радикулит хуруж қилиши мумкин.

Қизил, оқ ва настаринранг кийимлар бугун омадингиз юришишига ёрдам беради. Қора, кўк ва сариқ ранглардан узоқроқ бўлинг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар !

«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» СИЗЛАРНИ «ESKI JO`VA DEHQON BOZORI» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Биржа савдоларига «ESKI JO`VA DEHQON BOZORI» очиқ акциядорлик жамияти ҳудудидаги «ТИМ – 2» савдо мажмуасида жойлашган қуйидаги савдо дўконлари қўйилди:

- умумий (савдо) майдонлари 31,36 кв.метрдан бўлган 12 (ўн иккита) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 24 828 423,62 сўмдан;

- умумий (савдо) майдонлари 31,36 кв.метрдан бўлган 3 (учта) савдо дўконлари шийпони билан, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 28 139 767,86 сўмдан;

- умумий (савдо) майдонлари 64,24 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 56 252 703,25 сўмдан;

- умумий (савдо) майдонлари 64,97 кв.метрдан бўлган 1 (битта) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 56 950 980,37 сўмдан;

- умумий (савдо) майдонлари 65,88 кв.метрдан бўлган 1 (битта) савдо дўкони, бошланғич баҳоси – 57 820 284,22 сўм;

- умумий (савдо) майдонлари 40,60 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони шийпони билан, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 36 971 425,82 сўмдан;

- умумий (савдо) майдонлари 40,60 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 33 659 497,58 сўмдан.



Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Биржа савдоларида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент шаҳри, Моваройуннаҳр кўчаси, 16а-уй, 402-хона.
Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р-216-сонли фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1.	Тошкент Маданият коллежи	Собир Раҳимов тумани, А.Саидов кўчаси, 1-уй
2.	Тошкент Агро-тижорат касб-ҳунар коллежи	Учтепа тумани, Ўрикзор даҳаси Ҳалқа йўли, 9-уй
3.	Тошкент Кино-видеотехника касб-ҳунар коллежи	Собир Раҳимов тумани, 2-Чимбой кўчаси, 96-уй
4.	ТТЙМИ қошидаги академик лицей	Миробод тумани Одил Ходжаев кўчаси, 1-уй

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус касб-ҳунар тизимида педагог иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза.
2. Туман ҳокимлигининг тавсияномаси;
3. Сўровнома (справка - объективка);
4. Таржимаи ҳол;
5. Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси.
6. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
7. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
8. 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
9. Паспорт (нусхаси);
10. Тавсифнома.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Пушкин кўчаси, 7-уй, 6-қават. Тел: 136-05-01, 133-80-34.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш Бош бошқармаси 18-жазони ижро этиш колониясига қарашли кўп тармоқли Республика шифохонасига хизматга олий маълумотли шифокорлар қабул қилинади. Ишга олинувчилар 35 ёшгача соғлигини ҳисобга олган ҳолда ички ишлар идораларига офицер бўлишлари ҳамда 50 ёшида нафақага чиқиш имтиёзидан фойдаланадилар, бошланғич ойлик маошлари 115000 сўмдан 140000 сўмгача белгиланган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Оҳанграбо кўчаси, 1-уй.
Транспорт: А.Темур хиёбонидан 7-автобус ва 28-троллейбус, Тошкент шимолий вокзалидан 81-автобус, Чкалов метросидан 15-автобус, Юнусобод тумани, 10-даҳасидан 93-автобус боради.
Телефонлар: 90-83-86, 90-36-29, 90-78-14, 90-36-35, 90-36-17

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-606

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3233 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6